



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NOMIDAN  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

**Зомин тумани**

**2022 йил 18 июль**

**4-1303-2201/729-сонли иш**

Зомин туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.Х.Бегматов раислигида, Ж.Избосаров котиблигида, даъвогар Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасининг жавобгар “GRAPPA” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ва тўловга қобилиятсизликни тиклаш тартиб-таомилларини қўллаш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни даъвогар вакиллари У.Норбоев, С.Маллаев (ишонномаларга асосан), жавобгар вакили Х.Ҳайдаров (муваққат бошқарувчи), низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс ташқи иқтисодий фаолият “MILLIY BANKI” акциядорлик жамияти ишончли вакиллари Т.Каримов, Б.Мухторов (ишонномаларга асосан) иштирокида, Зомин туманлараро иқтисодий суди маъмурий биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда “Аризачи” деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, аризасида “GRAPPA” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда “Жавобгар” деб юритилади) ни уч ойдан ошган кредиторлик қарзлари мавжудлигини инобатга олиб, жамиятга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тартиб таомилини қўллашни сўраган.

Даъвогар судга даъво предметини ўзгартиш тўғрисида қўшимча ариза киритиб, жамиятига нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ва тўловга қобилиятсизликни тиклаш тартиб-таомилларини қўллашга ўзгартиришни сўраган.

Суднинг ажрими билан ишга низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс ташқи иқтисодий фаолият “MILLIY BANKI” (бундан буён матнда “учинчи шахс” деб юритилади) жалб қилинган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъво талабини қўллаб қувватлаб, даъво аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар вакили муваққат бошқарувчи жавобгар жамиятга нисбатан тўловга қобилиятсиз тўғрисида хулосани тақдим



этиб, жавобгар жамиятга суд санацияни қўллашни тавсия этиб, ишни қонуний кўришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган учинчи шахс вакиллари аризага нисбатан эътироз билдириб, асосий кредитор улар эканлиги, улуши 84 фоизни ташкил этишини, муваққат бошқарувчи уларни розилигисиз кредиторлар йиғилишини ўтказганлигини, ушбу йиғилиш ҳақиқий эмаслигини, қарздор корхонанинг улардан 255 миллион муддати ўтган қарздорлиги мавжудлигини, қолган кредит қарздорликнинг ҳали муддати келмаган бўлса-да, муваққат бошқарувчи асоссиз қарздорликни киритганлигини маълум қилиб, аризани рад қилишни сўради.

Суд, ишда иштирок этувчи тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан танишиб, қуйидагиларга асосан аризачининг аризасини қаноатлантиришдан рад этишни лозим топади.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, қарздор Янгиобод туманидаги Давлат хизматлари маркази томонидан тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатга олинган ва Янгиобод тумани Давлат солиқ инспекциясидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиб, 304502867-сонли “солиқ тўловчининг идентификацион рақами” берилган. Қарздор раҳбари сифатида Қаршиев Сағдулла Саттарович ишлаб келган.

Жамиятнинг Низом жамғармаси 4 280 000 000 сўм қилиб белгиланган бўлиб, давлат улуши 93,5 фоизи даъвогарга тегишлидир.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги ЎРҚ-763-сонли Қонунининг 5-моддасига кўра, тўловга қобилиятсизлик аломатлари қуйидагилардан иборат: вақтинча тўловга қобилиятсизлик – агар тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга мурожаат этиш санасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги; доимий тўловга қобилиятсизлик - агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлса, тўловга қобилиятсизлик аломатлари деб эътироф этилади.

Шунингдек, ушбу қонуннинг 37-моддаси учинчи қисмига кўра, тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ва тўловга қобилиятсизликни тиклаш тартиб-таомилларидан бирини қўллаш ҳақида судга ариза билан мурожаат қилишга қарздорнинг вақтинча тўловга қобилиятсизлиги асос бўлади деб, ушбу модданинг тўртинчи қисмида, қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳамда уни банкрот деб топиш, шунингдек тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этиш учун қарздорнинг доимий тўловга қобилиятсизлиги асос бўлади деб белгиланган.

Ваҳоланки, бундай ҳолатда қарздорда вақтинча тўловга қобилиятсизлик аломатлари мавжуд бўлмаса-да, аризачи ўз аризасида қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ва тўловга қобилиятсизликни тиклаш тартиб-таомилларидан бирини қўллашни сўраган.



Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 211-моддасига асосан банкротлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунга мувофиқ қарздор, кредиторлар ва бошқа манфаатдор шахслар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли эканлиги қайд этилган.

Шу сабабдан даъвогар судга даъво ариза билан мурожаат қилган.

Муваққат бошқарувчи томонидан судга тақдим этган хулосасига кўра, қарздорнинг Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармасдан 80 858 114 сўм, ТИФ “Миллийбанк” Мирзачўл филиалидан 27 821 667 400 сўм, Янгиобод туман электр таъминоти корхонасидан 454 043 979 сўм, ходимлар иш ҳақидан 255 650 307 сўм, Алкогол ва тамаки агентлигидан 918 592 002 сўм, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасидан 4 118 238 493 сўм ва “Нефтбаза” унитар корхонасидан 71 712 004 сўм жами 33 720 762 299 сўм кредитор қарздорликлар мавжудлиги, жамият балансининг актив қисми 31 165 725 000 сўмни, жамият балансининг пассив қисми 31 165 725 000 сўмни ташкил қилиши кўрсатиб ўтилган.

Қарздорнинг қарздорлик мажбуриятлари 33 720 762 299 сўмни ташкил этиб, актив баланс қиймати 31 165 725 000 сўмдан ошиб кетганлиги қарздорда доимий тўловга қобилиятсизлик аломатлари мавжудлигини келтириб чиқаради. Бу эса юқоридаги қонуннинг 37-моддаси тўртинчи қисмидаги қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳамда уни банкрот деб топиш, шунингдек тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этиш учун қарздорнинг доимий тўловга қобилиятсизлиги асос бўлишини тақазо этади.

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуннинг 37-моддаси биринчи қисмига кўра, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш ушбу Қонуннинг 5-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлганда суд томонидан қўзғатилиши мумкин. Шунингдек, мазкур қонуннинг 55-моддасида суднинг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарори тўловга қобилиятсизлик аломатлари аниқланмаганда қабул қилинади деб белгиланган.

Суд ишда мавжуд ҳужжатларни ҳамда муваққат бошқарувчи томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиққанда, қарздорнинг кредиторлари томонидан ўтказилган йиғилиш қарорлари ҳам тақдим этилмаганлиги, фақат оралик ҳисобот ва якуний хулосаларида кредиторлар йиғилиши ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар киритилиб, уларнинг реестрлари юритилган ёки юритилмаганлиги, кредиторларнинг қанчаси қатнашган ёки қатнашмаганлиги тўғрисида маълумотлар судга тақдим этилмаганлиги аниқланди.

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддаси бешинчи қисмига кўра, кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига суд санацияси ёки ташқи бошқарув тартиб-таомилини жорий этиш ва уларнинг муддатини узайтириш ёки муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат этиш ҳақидаги қарор; қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомилини бошлаш ёки қарздорнинг фаолиятини тўхтатмасдан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомилини бошлаш ҳақидаги илтимоснома билан судга мурожаат этиш тўғрисидаги қарор; суд санацияси режасини



тасдиқлаш ҳамда қарзларни тўлаш жадвалини маъқуллаш ҳақидаги қарорларни қабул қилиш киради деб белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарорининг 23-бандида, Қонуннинг 54-моддасига мувофиқ ҳўжалик судининг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарори банкротлик аломатлари аниқланмаганда қабул қилинади деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддаси 10-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази ҳамда унинг ҳудудий органлари - ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун киритиладиган даъволар ва аризалар бўйича иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Суд иш бўйича тарафлар тушунтиришларини тинглаб, ариза талабини қаноатлантиришдан рад этишни, аризачининг давлат божи тўлашдан озод этилганлигини инобатга олиб, ундан давлат божи ундирмасликни, олдиндан тўланган 21 600 сўм суд почта харажатини аризачи зиммасида қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 36, 112, 113, 118, 176-179-моддаларини қўллаб, суд

### **Қ А Р О Р   Қ И Л Д И:**

Аризачининг аризаси қаноатлантиришдан рад этилсин.

Ариза тақдим этишдан олдиндан тўланган 21 600 сўм суд почта харажати аризачи зиммасида қолдирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан бир ой муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қароридан норози тараф бир ой муддат ичида шу суд орқали Жиззах вилоят судига апелляция тартибида шикоят (прокурор ишда иштирок этувчи шахснинг мурожаати бўлган тақдирда протест келтириш) қилишга ҳақли.

**Раислик этувчи, судья**

**Ш.Х.Бегматов**

